

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

121 Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика ҳудудларидаги ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг қувватлари билан иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмларининг ўсиб бориши билан ўзаро боғлиқлигини, пудратчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш-техника базасини мустақкамлаш ва ривожлантириш ҳисобига олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларининг миқёси ва сифатини тубдан яхшилаш, бутун қурилиш ишлари циклини «калити билан топшириш» усулида бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасига Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда Қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрини юритиш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда қурилиш-пудрат ташкилотларининг 1,9 мингдан ортиқ қурилиш-пудрат ташкилотлари киритилган Реестрини шакллантиргани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси 2014 йилнинг 15 мартидан бошлаб қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрини ҳар йили янгиланадиган ягона электрон маълумотлар базасини яратган ҳолда, республиканинг вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари доирасида тизимли юритилишини таъминласин.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрини юритишда қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур:

қурилиш ташкилотларининг қурилиш-пудрат ишларининг тури ва йўналиши бўйича ихтисослашганлиги, қурилиш-монтаж ишларининг таркиби ва хусусиятига мувофиқ доимий қурилиш-ишлаб чиқариш ходимлари билан тўлдирилганлиги;

қурилиш ташкилотларининг ихтисослиги ва ташкилий тузилмасига мувофиқ асосий ишлаб чиқариш фондлари, энг муҳими ўзининг ишлаб чиқариш базаси, қурилиш техникаси, машина ва механизмлари, шунингдек кичик механизация воситалари мавжудлиги;

қурилиш буюртмачиси ҳамда эксплуатация ташкилотининг хулосалари билан тасдиқланган, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа ҳужжатларига ва тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ бажарилгани, шаҳарсозлик, санитария меъёрлари ва қоидаларига, белгиланган муддатлар ва сифатга риоя этилгани тўғрисида маълумот;

ташкилотнинг аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий-иқтисодий ҳолати, шунингдек айланма маблағлар билан таъминланганлиги.

3. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

замонавий ишлаб чиқариш-техника базаси билан таъминланган ва қурилиш ишларининг бутун циклини «калити билан топшириш» усули билан бажарилишини таъминлайдиган Йирик ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини 2014 — 2016 йилларда ташкил этиш Дастури 1-иловага* мувофиқ;

қурилиш пудрат ташкилотларининг намунавий тузилмаси 2, 2а ва 2б-иловаларига* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурни амалга ошириш доирасида саноат, йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, мелиоратив ва ижтимоий объектлар қурилишининг сифатини ошириш ва харажатларни камайтириш омили сифатида қурилиш пудрат ташкилотларининг ихтисослашганлиги даражасини кўтаришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давархитектқурилиш қўмитаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилиш соҳасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш бўйича қўйидагиларни:

республиканинг барча вилоятларида филиаллари бўлган, замонавий қурилиш техникаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситалари ва махсус транспорт лизинги бўйича Республика ихтисослаштирилган компаниясини тузишни;

янги юқори ишлаб чиқариш қувватига эга қурилиш техникасини, машина ва механизмларни, кичик механизация ва махсус транспорт воситаларини лизинг асосида харид қилишнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек мулкчиликнинг барча туридаги қурилиш ташкилотларига лизинг хизматларини кўрсатиш тартибини назарда тутган таклифларини киритсин.

5. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича Ишчи гуруҳ 3-иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича Ишчи гуруҳ (Б.И. Закиров):

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда республика вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари доирасида қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бажариладиган ишларнинг ҳажмлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Ўйрик ихтисослаштирилган қурилиш пудрат ташкилотларини 2014 — 2016 йилларда ташкил этиш Дастури параметрларини, оқилона ҳудудий жойлаштириш орқали, сўзсиз бажариш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Давархитектқурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Реестрга киритилган, янгидан ташкил этилаётган ва йириклаштирилаётган қурилиш пудрат ташкилотларига «нулинчи» сотиб олиш ставкаси бўйича тегишли инвестиция мажбуриятлари асосида ёки давлатнинг улуши сифатида бериладиган давлат мулкнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қурилиш пудрат ташкилотларининг намунавий тузилмаларини, ўйрик ва кичик корхоналар учун мос равишда, уларнинг қуввати ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этишни таъминласин.

6. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрига киритилган ташкилотлар қуйидагилардан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, кичик механизация воситалари, технологик ускуналар, шунингдек асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун 2018 йилнинг 31 декабригача божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

қурилиш-пудратчи ташкилотлари Реестрига киритилган кундан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлашдан озод этилсин. Бунда бўшайдиган маблағлар янги қурилиш техникаси, ускуналар, машиналар ва механизмлар, кичик механизация воситалари, технологик ускуналар, шунингдек асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар харид қилишга мақсадли равишда йўналтирилади.

Солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида бўшайдиган маблағлар мақсадсиз сарфланганда мазкур маблағлар жарима санкциялари қўлла-

нилган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилиб олинади.

7. Белгилансинки, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича тендер савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

8. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси (Р.С. Азимов) қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган қурилиш ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг, шу жумладан «Ўзавтойўл» ДАК таркибидаги йўл қурилиши ташкилотларининг, бюджет олдидаги солиқлардан ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўловлардан, шунингдек ҳисобланган пеня ва жарималардан қарзларини кечиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 3 март,
ПҚ-2137-сон